

NOMULKIY TUSDAGI IJRO HUJJATLARINI IJRO ETISHDA DAVLAT IJROCHISINING BOSHQA TASHKILOTLAR BILAN HAMKORLIGI

COOPERATION OF THE STATE EXECUTOR WITH OTHER ORGANIZATIONS IN THE EXECUTION OF EXECUTIVE DOCUMENTS OF A NON-PROPERTY TYPE

ISROILOV SHAXZOD ISOMIDDIN O'G'LI

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15125827>

Номулкий тусдаги, яъни мулкый хусусиятга эга бўлмаган (мажбурият юклаш, қарздорни кўчириш, иморатни бузиб ташлаш, ундирувчини кўчириб киритиш) каби ижро ҳаракатларини мажбурий ижросини таъминлашда давлат ижрочиси томонлар(қарздор ва ундирувчи)дан ташқари бошқа ташкилотларнинг иштирокини ҳам таъминлаши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги Қонуннинг 21-моддасида давлат ижрочисининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, биламизки, ушбу турдаги ижро ҳужжатларини ижро этишда **холислар**нинг иштироки мажбурий ҳисобланади. Қонуннинг 18-моддасида ҳам қарздорнинг хоналари ва омборларини очиш, мол-мулкни кўздан кечириш, хатлаш, олиб қўйиш ва бериш билан боғлиқ ижро ҳаракатларини амалга оширишда холислар иштирок этиши шарт. Бошқа ҳолларда, холислар давлат ижрочисининг ихтиёрига кўра чақирилади. Холислар сифатида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан манфаатдор бўлмаган ва ўзаро ёки ижро иши юритиш иштирокчилари билан қариндош бўлмаган, бир-бирига бўйсунмайдиган ва бир-бирини назорат қилмайдиган вояга етган ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахслар таклиф этилиши мумкин. Холислар **икки кишидан кам бўлмаслиги керак**.

Шунингдек, давлат ижрочилари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши, мазкур органлар ҳамда ташкилотлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда давлат ижрочиларига **қўмаклашиши шартлиги** вонуний асосда белгилаб қўйилган.

Жумладан, **ички ишлар органлари**:

давлат ижрочисининг қарори асосида қарздор жисмоний шахсни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани, шунингдек автотототранспорт воситаларини **қидириши**ни амалга оширади;

давлат ижрочиси ҳузурига келишдан бўйин товлаётган шахсларнинг белгиланган тартибда **мажбурий келтирилиши**ни таъминлайди;

ижро ҳаракатларини амалга оширишда, шу жумладан давлат ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларининг амалга оширилишида бирон-бир тўсиқ бўлганда, **жамоат тартиби сақланиши**ни таъминлайди;

қонунда белгиланган мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш учун, шу жумладан ундирувни автотототранспорт воситасига қаратиш учун ушбу

автомототранспорт воситасининг мажбурий тўхтатилишини давлат ижрочисининг топшириғи асосида таъминлайди;

автомототранспорт воситаси эгаси тўғрисидаги, тегишли қарздорлар номига рўйхатга олинган автоматотранспорт воситалари ҳақидаги ахборотни, шунингдек автоматотранспорт воситаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги бошқа маълумотни давлат ижрочисининг **ёзма сўрови асосида уч кунлик муддатда тақдим этади**, давлат ижрочиларининг автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишга оид белгилаган тақиқларини ижро этади;

суднинг ёки давлат ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг **Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш** тўғрисидаги қарори ижросини таъминлайди¹;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари:

кўчмас мулкка, шу жумладан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги, ҳуқуқ эгалари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек **ўзга кадастр маълумотларини давлат ижрочисининг ёзма сўровига кўра уч кунлик муддатда тақдим этади**;

суднинг ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасидаги кўчмас мулкни топшириш далолатномаси асосида кўчмас мулкка, шу жумладан **ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш**;

ер участкасини олиб қўйиш ва бериш тўғрисидаги ижро ҳаракатларини амалга оширишда, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса, ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида рўйхатга олинган бошқа кўчмас мулкни кўздан кечиришда иштирок этади ва бошқалар.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан **"Маҳаллабай" ишлаш тизими** янада кучайтирилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, солиқ инспектори ва ижтимоий хизмат ходимидан иборат "маҳалла еттилиги" иштирокида ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Мажбурий ижро бюроси фаолиятида ҳам тизимли чора-тадбирлар қабул қилиниб, кўрсатмалар бериб келинмоқда. Жумладан, Мажбурий ижро бюроси директорининг тегишли Кўрсатмасига асосан, давлат ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш ва самарали иш услубларини татбиқ этиш мақсадида, Бюронинг туман бўлимлари ташаббуси билан туман бўлими давлат ижрочилари "маҳаллабай" кесимида "Маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда ишларни ташкил этишлари юзасидан тадбир ўтказилмоқда.

Маълумот ўрнида Бюро органлари тизимида тоифасидан қатъий назар, иш юритувдаги суд ва бошқа органлар ҳужжатлари давлат ижрочилари ўртасида "маҳаллабай" кесимида тақсимланиб, маҳалла еттилиги билан ҳамкорлик ишлари

¹ Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни <https://lex.uz/docs/26477#27856>

кучайтирилмоқда. Бундай ҳаракатлар замирида улар биргаликда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун ва одил судловни ҳурмат қилиш, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ихтиёрий равишда бажариш маданияти ёки кўникмасини шакллантиришда ҳисса қўшадилар.

Шунингдек, Президентнинг 26.11.2024 yildagi "Sud hujjatlari va boshqa organlar hujjatlarini ijro etish tizimini takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi PQ-406-sonli qaroriga asosan, Majburiy ijro byurosi ***O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalar va xalqaro tashkilotlardagi a'zoliqi bo'yicha majburiyatlarni bajarish uchun mas'ul bo'lgan davlat organlari*** va boshqa tashkilotlar ro'yxatiga kiritildi.

Byuro Sud ijrochilarining xalqaro ittifoqiga a'zolik badallarini o'z vaqtida to'lash uchun mas'ul bo'ldi. Sud ijrochilarining xalqaro ittifoqi – turli mamlakatlarning sud ijrochilari o'rtasidagi xalqaro hamkorlikni muvofiqlashtirish va rivojlantirish uchun tashkil etilgan nodavlat tashkilot. 1952-yilda Fransiya Sud ijrochilarining milliy palatasi tashabbusi bilan tuzilgan. Hozirgi vaqtda tashkilot taxminan 100 ta mamlakatning sud ijrochilari xizmatlarini birlashtiradi. Яъни бу орқали чет эл билан боғлиқ бўлган ижро ҳаракатларини амалга ошириш тизими пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мажбурий ижро бюросининг номлики тусдаги ижро ҳужжатларини ижро etishda бошқа давлат органлари ҳамда такилотлар билан ҳамкорликнинг ўрнатиши, биринчидан, ўз вазифаларини амалга оширишда вужудга келиши мумкин бўлган қаршилик ҳолатларини олдини олади ва камайтиради, иккинчидан, маҳалла кабилвр миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ зиддиятсиз ҳал бўлишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Foydalanilgan adabiyotlar/Используемая литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси. <https://lex.uz/docs/106136>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. <https://lex.uz/ru/docs/104720?ONDATE=07.02.2024%2000>
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик–процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3517337>
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664#200658>
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453#1427044>
6. Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни <https://lex.uz/docs/26477#27856>
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning 26.11.2024 yildagi "Sud hujjatlari va boshqa organlar hujjatlarini ijro etish tizimini takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi PQ-406-sonli qarori